

**2022-йил феврал ойида
бўлиб ўтадиган 81-сессияда
Ўзбекистоннинг Олтинчи Даврий
Ҳисоботини кўриб чиқиш олдидан
ННТнинг CEDAWга қўшма баёноти**

**Ўзбекистон: Хотин-қизларни оиласидаги
зўравонликдан ҳимоя қила олмаслик**

2022 ЙИЛ ЯНВАР

Ушбу хужжат Европа Иттифоқининг молиявий қўмагида тайёрланган. Унинг мазмуни фақат уни ишлаб чиқсан ННТлар зиммасида ва ҳеч қандай тарзда Европа Иттифоқи нуқтаи назарини акс эттира олмайди.



Мундарижа

Кириш	3
Оиладаги зўравонлиқга қарши курашда ҳукуматнинг чора тадбирлари	3
Оиладаги зўравонлик: сабаблари, кўлами ва асосий муаммолар	4
Миллий қонунчилик	5
Ҳимоя, адолат ва барҳам бериш йўлидаги тўсиқлар	6
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ БЎШЛИҚЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР	6
ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА СУДЛАРДАГИ ПАТРИАРХАЛ МУНОСАБАТ ВА ХАТО ТУШУНЧАЛАР	9
ҲИМОЯ ОРДЕРЛАРИ ҲАР ДОИМ ҲАМ ҚҮРБОНЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ ИЖРО ЭТИЛМАЙДИ	12
ЯРАШУВ ВА ЖАЗОСИЗЛИК	13
АЖРАЛИШЛАР СОНИНИ КАМАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ	14
СУДД-ТИББИЙ ХУЛОСАСИНИ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР	15
МУВОФИҚЛАШТИРИЛГАН ҲИМОЯ ВА МАСЛАҲАТ МЕХАНИЗМИ ЙЎҚЛИГИ	15
ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМНИ АДЕКВАТ КЎРСАТИЛМАСЛИГИ	16
ЕТАРЛИ МИҚДОРДАГИ ШИНАМ БОШПАНАЛАРНИНГ ЙЎҚЛИГИ	16
ЯХШИ ТАЙЁРГАРЛИК ЎТГАН ИЖТИМОИЙ ИШЧИЛАР ВА ПСИХОЛОГЛАРНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ	17
Ўзбекистон ҳукуматига тавсиялар	17

Кириш

Ушбу баёнот Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан оиласдаги зўравонлик масаласига қаратилган. У миллий қонунчиликда ҳам, амалиётда ҳам ҳимоя бўйича камчиликларни аниқлаб, Хотин-қизларга нисбатан Камситишларга Барҳам Бериш бўйича Қўмитанинг (Committee on the Elimination of Discrimination against Women (CEDAW)) Ўзбекистон томонидан Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг бажарилиши бўйича даврий маърузаси кўриб чиқилишидан олдин Ўзбекистон ҳукуматига тавсиялар беради. 2022 йил 15 ва 16 феврал кунлари CEDAWнинг 81-сессиясида конструктив мулоқот ўтказилиши режалаштирилган.

Инсон Ҳуқуқлари Бўйича Ҳалқаро Ҳамкорлик Ташкилоти (International Partnership for Human Rights (IPHR)) - Брюсселда жойлашган нотижорат ташкилотdir. 2008 йил апрел ойида ташкил этилган бўлиб, унинг ваколати маҳаллий фуқаролик жамияти гурӯхларини инсон ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш бўйича олиб бораётган ишларида қўллаб-куватлаш ва уларнинг ташвишлари ва саъй-ҳаракатларини ҳалқаро миқёсда эшитишга ёрдам беришдан иборат. Ушбу ҳисоботни тайёрлашда IPHR бутун Ўзбекистондаги фаоллар ва ҳуқуқ ҳимоячилари билан ҳамкорлик қилди.

Оиласдаги зўравонликга қарши курашишда ҳукуматнинг чора тадбирлари

Ўзбекистон ҳукумати, 2015-йилда CEDAW томонидан Ўзбекистондаги вазиятни охирги кўриб чиқишдан кейин, оиласдаги зўравонликка қарши кураш бўйича бир қатор ижобий қадамлар қўйди. 2019-йилда "Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун (кейинги ўринларда "Хотин-қизларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун) қабул қилинди. Ўзбекистонда гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш борасида қонунчилик, назорат ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда парламентнинг роли сезиларли даражада мустаҳкамланди. Парламент Сенати раиси бошчилигига Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши тузилди, унга Ўзбекистоннинг CEDAW, Пекин Ҳаракат платформаси ва Миллий Ҳаракат режаси доирасидаги мажбуриятлари бажарилишини мувофиқлаштириш юкланди. Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш устувор йўналишларидан бири бўлган Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги ташкил этилди, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари даромад келтирувчи лойиҳалар ва ўқув машғулотларига йўналтирилди; Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги ҳамкорлигига хотин-қизларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш бўйича ишчи гурӯҳ тузилди. Давлат раҳбарининг 2021-йилдаги "Зўравонлик курбони бўлган аёлларни реабилитация қилиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори билан айни вазирлик ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ташкил этилиб, унга Ўзбекистон бўйлаб 29 бошпана ташкил этиш топширилган.

Оиладаги зўравонлик: сабаблари, кўлами ва асосий муаммолар

“Оиладаги зўравонлик қурбони бўлган аёл кўпинча зўравонлик ҳақида гапиришдан уялади, чунки у яқинлари, оиласи, дўстлари, ҳамкаслари ёки қўшилари томонидан таъна қилинишидан ёки рад этилишидан қўрқади. Қўрқадики ҳеч ким унга ишонмайди ва ёрдам бермайди, эри эса буни ошкор қилмоқчи эканлиги ҳақда билгач, жаҳли чиқиб, қаттиқроқ уради”. Ўзбекистонлик аёллар ҳуқуqlари ҳимоячиси

Хукуматнинг юқорида қайд этилган чора-тадбирларига қарамай, Ўзбекистонда аёлларга нисбатан зўравонлик асосий ташвиш бўлиб қолмоқда ва уйдаги зўравонлик ҳақида стигма ва жаҳолат кенг тарқалганилигича қолмоқда.

Жамият одатда айборни эмас, жабрланувчини айблайди. Ўзбекистондаги аёллар фаоллари тақидлашига кўра, кўпчилик одамлар аёллар зўравонликни “қўзғатади” ёки “лойик” деб ҳисоблайди, оиладаги зўравонлик қурбони бўлган аёллар “мазоҳистлар” деб ва эр ва хотин ўртасидаги “жанжал” табиий ҳол ва зўравонлик қурбони ҳар доим ҳам уйини эркин тарк этиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ижтимоий тармоқларда аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик, жумладан, жинсий зўравонлик ҳақидаги муҳокамалар кўпинча шахсларнинг (жумладан, ҳукумат амалдорлари ва давлат университетлари раҳбарлари)¹ кучли стереотипли изоҳларини келтириб чиқаради, улар ҳам кўпинча жабрланувчини айблашга қаратилган бўлади. Мактаблар, университетлар ва расмий академиялардаги таълим дастурларида гендер стереотиплари, оиладаги зўравонликни олдини олиш ва мавжуд ҳимоя чоралари масалаларига этибор қаратилмайди.

Ўзбекистонда мансабдор шахслар, жумладан, милиция, прокурор ва судялар орасида чукур илдиз отган патриархал муносабатлар ва гендер роллари ҳақидаги стереотиплар сақланиб қолган. Айримларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, ҳукумат амалдорлари оиладаги зўравонликка мутлақо тоқат қилмаслик ҳақидаги изчил хабарни жамоатчиликка етказа олмаяпти ва давлат оммавий ахборот воситалари аёллар ва қизларни «назорат қилиш» керак деган ғояни мустаҳкамловчи гендер тенгсизлиги ва стереотипларни давом эттиришда давом этмоқда. Буларнинг барчаси зўравонлик маданияти ва жиноятчиларнинг жазосиз қолишининг умуний муҳитига ёрдам беради.

2021-йил 17-декабр куни Ички ишлар вазирлигининг маълум қилишича, 2021-йилнинг январидан ноябригача аёлларга нисбатан 35 994 та зўравонлик, жумладан, психологик зўравонлик (16 982 та), жисмоний зўравонлик (12 215 та), иқтисодий зўравонлик (208 та), жинсий зўравонлик (90 та) ва шилқимлик (6 513 та) ҳолатлари қайд қилинган. Статистик маълумотларга кўра, 25 807 киши 30 ёшдан ошган; 9 835 нафари 18 ёшдан 30 ёшгacha бўлганлар, 352 нафари эса 18 ёшгacha бўлганлардир.

Бироқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва хотин-қизлар фаоллари оиладаги зўравонликнинг кўп ҳолатлари эътибордан четда қолаётгани, аёллар жазоланишдан қўрқиб, ижтимоий стигма, эрига иқтисодий ва моддий қарамлик ёки ҳуқуqlарини билмаслик сабабли, кўпинча ички ишлар органларига мурожаат қилмаслигини маълум қиладилар.

1 <https://www.podrobno.uz/cat/proisshestviya/zamdekana-utverzhdaet-chto-on-zhertva-vo-vsem-vinovata-moya-doch-mat-studentki-pedinstituta-podelila/>

Оилада зўравонлик содир этганлар камдан-кам ҳолларда жавобгарликка тортиладилар. Ўзбекистон ҳукумати оиладаги зўравонлик жиноятларни тергов қилиш ва таъқиб қилиш учун тегишли эҳтиёткорлик стандартларига мунтазам равишда риоя қилмаяпти. Аёллар етарлича ҳимояланмаган, жиноятчилар эса аксарият ҳолларда жазосиз қолмоқда.

Маҳаллий хотин-қизлар ҳукуқлари фаоларининг қайд этишича, ҳукумат томонидан самарали ҳимоя қилинмаётганининг аянчи оқибатлари Ўзбекистонда аёллар ва қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари 2019-йилдаги 600 тадан 2020-йилда 900 тагача хавотирли даражада ошганида намоён бўлмоқда яъни пандемия даврида ва Ўзбекистонда вирус тарқалишининг олдини олиш учун локдаун жорий этилганда.² Асосий сабаблар оила аъзолари - турмуш ўртоқлар ёки қайнона-келинлар орасидаги низолардир.

Эрта турмуш қуриш ҳам оиладаги зўравонликка сабаб бўлмоқда. Оила кодексида қизларнинг турмушга чиқиши учун 17 ёшга тўлиши белгилаб қўйилган бўлса-да, эрта турмуш қуриш ҳолатлари кўп учрайди. Аниқ статистика олиш қийин, чунки ёш келинлар (15 ёки 16 ёшли) одатда диний никоҳ маросимларида турмуш қуришади ва давлат рўйхатидан ўтмайди. Кўпинча ота-оналар рўйхатга олиш идорасига фақат боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини олишлари керак бўлганда мурожаат қилишади. Кўпхотинли никоҳлар сонининг кўпайиши ҳам қайд этилган.

Миллий қонунчилик

Миллий қонунчилиқда ушбу бобда қисқача тавсифланган оиладаги ва гендерга асосланган зўравонликка қарши кафолатлар мавжуд. Бироқ, IPHR ва ушбу ҳисботни тайёрлашда иштирок этган хотин-қизлар фаоллари Ўзбекистон қонунчилигини мамлакатнинг халқаро инсон ҳукуқлари ҳукуқи бўйича мажбуриятларига мувофиқлаштириш ва мавжуд кафолатларнинг изчил қўлланилишини таъминлаш учун қўшимча ҳаракатлар зарурлигидан хавотирда.

Ўзбекистон Конституциясида жинсидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенглиги (17-модда), аёллар ва эркакларнинг teng ҳукуқлилиги (46-модда) кафолатланган. Унда яшаш, эркинлик ва шахсий дахлизизлик ҳукуқи (25-модда), шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш (27-модда), ҳукуқ ва эркинликларни суд орқали ҳимоя қилиш (44-модда) кафолатлари мустаҳкамланган.

1998 йилдаги Оила кодекси оиланинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлади, никоҳ ва оилада бурчларнинг тенглиги тамойилларини белгилайди. Эндилиқда янги Оила кодекси лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид соладиган маъмурий ҳукуқбузарликлар учун жазо чоралари кўзда тутилган, шу жумладан, кўпинча ҳақорат (41-модда), баданга енгил шикаст етказиш (52-модда), майда безорилик (183-модда) каби майший соҳада содир этилган ҳукуқбузарликлар.

Ўзбекистон Жиноят кодексида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда); қасдан баданга шикаст етказиш (104 -105, 109-моддалар); қийнаш (110-модда); ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-модда); мансаб мавқеида ёки моддий ёки бошқа қарамлиқда бўлган шахс томонидан ғайритабиий шаклда жинсий эҳтиёжни қондириш учун аёлни жинсий алоқага

2 <https://tribune.com.pk/story/1132722/tajikistan-shock-mothers-kill-babies/> ва Anhor.uz, <https://anhor.uz/news/23946-2/> га мурожаат қилинг

мажбурлаш (212-модда), шунингдек зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодлиқдан маҳрум қилиш (138-модда) учун жазо назарда тутилган.

Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги 2019 йилги қонунда жисмоний, психологияк, иқтисодий ва жинсий зўравонлик таърифлари ҳамда ҳимоя ордерлари киритилган. Унда зўравонлик қурбонларининг реабилитация марказлари, ишонч телефонлари ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш ҳукуқлари белгилаб берилган. Шуни таъкидлаш муҳимки, қонун зўравонлик ҳолатига тушиб қолган шахсларнинг маҳфийлигини кафолатлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 4-январдаги “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан хотин-қизларни ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган ҳужжатлар, жумладан, ҳимоя ордерини бериш тартибини белгиловчи ҳужжат тасдиқланди. 2021-йилда профилактика чораси сифатида тажовузкорларга қарши курашиш чоралари ҳам кўрилди.

Ҳимоя, адолат ва барҳам бериш йўлидаги тўсиқлар

Миллий қонунчиликдаги бўшлиқлар ва камчиликлар

Юқорида тавсифланган қонундаги баъзи ижобий ўзгаришларга қарамасдан, оиласдаги зўравонлик айборларини таъқиб қилишининг самара сизлигига ва шу сабабли жазосиз қолишига олиб келадиган ҳимоядаги жиддий бўшлиқлар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ АНИҚ ТАЪРИФИННИНГ ЙЎҚЛИГИ

Асосий муаммо шундаки, Ўзбекистон қонунчилигига жабрланувчи ва ҳукуқбузар ўртасидаги боғлиқ муносабатларни, шунингдек, зўравонликнинг тизимли хусусиятини назарда тутган “оиласдаги зўравонлик” тушунчасининг аниқ таърифи мавжуд эмас.

2019-йилги Хотин-қизларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда “зўравонлик” хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳукуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайрихукуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик) дир дейилади.

САМАРАЛИ ЖИНОЙИ ТАЪҚИБНИНГ ВА ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК УЧУН АЛОҲИДА ЖИНОЯТНИНГ ЙЎҚЛИГИ

Ҳозирги вақтда Жиноят кодексида оиласдаги зўравонлик алоҳида жиноят сифатида мавжуд эмас. Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва 2019-йилда қабул қилинган “Хотин-қизларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда оиласдаги зўравонликнинг давомий, назорат қилиш ва мажбурлаш хусусиятига оид қоидалар мавжуд эмас. Масалан, қуйидаги ҳукуқбузарликлар амалдаги қонун ҳужжатларида етарли даражада қамраб олинмаган ва шунинг учун амалда жиноий жавобгарликка тортилмайди: турмуш ўртоғи ёки унинг қариндошлари томонидан аёлнинг ота-

онасининг уйига боришини ёки ишга боришини тақиқлаш; ва психологияк тазийәттән тәнг бўлган оғзаки ҳақорат.

Шу боис IPHR ва ўзбекистонлик хотин-қизлар ҳуқуқлари фаоллари Жиноят кодексига оиладаги зўравонлик каби алоҳидажиноятни қўшишни талаб қилмоқда. Иқтисодий ва психологик зўравонлик Маъмурий Кодексда ҳам, Жиноят кодексида ҳам тартибга солинмаган, гарчи зўравонликнинг бундай турлари Хотин-қизларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда эътироф этилган бўлсада.³

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ЖИНСИЙ ЗЎРАВОНЛИК ЖАЗОЛАНМАЙДИ

Турмуш ўртоғига нисбатан жинсий зўравонлик кўпинча «анъанавий», патриархал қарашлар туфайли оддий холат деб ҳисобланади. Оиладаги зўравонлик Жиноят кодексида алоҳида жиноят ҳисобланмайди. Жиноят кодексининг 118-моддаси З-қисми “б” бандида “яқин қариндош”ни зўрлаганлик учун жазо назарда тутилган, бироқ Жиноят кодексида “яқин қариндош” тушунчаси, рўйхатдан ўтмаган диний никоҳда бўлган аёллар тушунчаси йўқ. Улар қўшилмаган ва шунинг учун ҳимояланмаган. Жиноят кодексида никоҳда зўрлаш аниқ қўриб чиқилмаган ва қоида тариқасида, судлар стереотипик қарашлар туфайли никоҳда зўрлаш ҳолатларини қўриб чиқмайди.

Олий суд Пленумининг 2010 йилдаги қарорида зўрлаш ёки жинсий зўравонлик «аёлнинг иродасига қарши, зўравонлик, таҳдид ёки жабрланувчининг начор ҳолатидан фойдаланган ҳолда табиий шаклда жинсий алоҳа қилиш» деб таърифланган.⁴

2013-йилда CEDAW “Амалдаги қонунчиликда оиланинг аниқ таърифи йўқлиги, ҳамда, оиладаги зўравонликнинг олдини олишнинг аниқ таърифи йўқлиги ўз навбатида, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда жуда кенг тарқалган кўпхотинли муносабатлардаги аёлларни ушбу қонуннинг ташқарисида қолдириши мумкин” лиги хақидаги хавотирини билдирган.

2020-йилда БМТ Инсон Ҳуқуқлари Кўмитаси (Human Rights Committee (HRC)) Ўзбекистонга “никоҳда зўрлаш ва оиладаги зўравонликни аниқ квалификация қилиш”ни тавсия қилган ва ўша йили Қийноқларга Қарши Кўмита (Committee against Torture (CAT)) Ўзбекистонга Жиноят кодексига мувофиқ “оиладаги зўравонликнинг бир тури бўлган никоҳда зўрлашни автоматик равишда жиноий жавобгарликка олиб келадиган, ўзига хос жиноятлар қаторига киритиш”ни тавсия қилган.

Жиноят кодексида ҳам Ўзбекистонда кенг тарқалган жинсий шилқимлик учун жазо назарда тутилмаган. Жинсий шилқимлик қурбонлари кўпинча жиноятчига қарам бўлади - ва ишини (агар жиноят иш жойида содир этилган бўлса); уй ёки оиласини (агар жиноят уйда содир бўлса) ёки ўқишини (агар у таълим муассасасида содир бўлса) йўқотиш хавфи остида бўладилар.

EX OFFICIO СУД ТАЪҚИБИННИГ ЙЎҚЛИГИ

Ўзбекистонда оиладаги зўравонлик ишлари камдан-кам ҳолларда судгача боради. Жиноят-процессуал кодексига кўра, Бош прокуратура о’ртacha ёки оғир тан жароҳати етказиш ёки ўлимга олиб келган ишлар бўйича фақат лавозими бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бошқа барча ҳолатларда жабрланувчи хусусий айлов қўзғатиши керак, бу эса жабрланувчилар учун адолат йўлида жиддий тўсиқ бўлади.

3 3-модда, “Хотин қизларни тазийәт ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун, 2019 йил сентябр. <https://www.lex.uz/docs/4494712#4496299>

4 <https://www.lex.uz/acts/2414124>

ЖАЗОНИНГ ЕТАРЛИ ЭМАСЛИГИ

Мавжуд қонунчилиқда оиладаги зўравонлик учун тегишли жазо чоралари назарда тутилмаган. Оиладаги зўравонлик қурбонлари билан ишлайдиган адвокатларнинг таъкидлашича, судгача етиб келган камдан-кам ишларда содир этилган жиноятга мос келмайдиган нисбатан паст жазолар жабрланувчиларнинг жиноий адлия тизимиға бўлган ишончини янада сўндиради.

Жиноят кодексининг 2-боби “Соғликка қарши жиноятлар”ни қамраб олган бўлиб, оиладаги зўравонлик ҳолатларида судлар томонидан қўлланиладиган “қасддан баданга оғир шикаст етказиш” (104-модда), “қасддан баданга ўртacha оғир шикаст етказиш” (105-модда), «баданга қасддан енгил шикаст тказиш» (109-модда) ёки «ёмон муомала» (110-модда⁵) каби бир қанча моддаларни ўз ичига олади. Жиноят кодексида “хукуқбузар ҳомиладорлигини билган аёлга” нисбатан содир этилган жиноятлар учун, баданга оғир шикаст етказганлик учун саккиз йилдан ўн йилгача ва баданга ўртacha оғирлиқдаги шикаст етказганлик учун жазони уч йилдан беш йилгача ошириш назарда тутилган. Жиноят кодексининг 206-моддасида 104 -111-моддаларда назарда тутилган жиноятлар учун, агар тажовуз психологияк стресс ҳолатида амалга оширилган бўлса, енгилроқ жазо белгиланган.

Оиладаги зўравонлик қотиллик ёки баданга оғир шикаст етказиш каби оғир жиноятларда оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди. Бу жиноятчилар томонидан ўч олиниш қўрқуви билан биргалиқда оиладаги зўравонлик қурбонлари камдан-кам ҳолларда хукуқни муҳофаза қилиш органларига ёки судларга шикоят қилишларини билдиради.

БЕПУЛ ЮРИДИК МАСЛАҲАТ КАФОЛАТИ ЙЎҚЛИГИ

Хотин қизларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун руҳий, жисмоний, жинсий ва иқтисодий зўравонлик қурбонига бепул юридик маслаҳат олиш хукукини таъминлайди⁶. Бироқ амалда аёлларнинг ушбу хукуқдан фойдаланиш тартибларини белгиловчи хукуқий механизм мавжуд эмас. Амалда бу шуни англатадики, оиладаги зўравонлик қурбонларининг аксарияти хукуқий ёрдамдан фойдалана олмайди, чунки улар турмуш ўртоғига моддий жихатдан қарам бўлишади.

Бепул юридик ёрдам тўғрисидаги қонун лойиҳасида⁷ бундай хукуққа эга бўлган шахслар маъмурий хукуқбузарлик тўғрисида ариза берган, жумладан зўравонлик қурбонлари ҳам бўлиши мумкинлиги назарда тутилган.

Бироқ, жиноят процессида зўравонлик қурбони бепул юридик ёрдамдан фойдалана олмайди, чунки жиноят процессуал қоидалари фақат гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчиларга бепул юридик ёрдам кўрсатишни кафолатлайди⁸. Бу шундай ҳолатга олиб келадики, зўравон бепул юридик ёрдам олиш хукуқига эга, аммо оиладаги зўравонлик қурбони юридик ёрдам олиш хукуқига эга эмас.

5 110-модда “Тизимли калтаклаш ёки қийноқни ташкил этувчи бошқа ҳаракатлар” уч йилгача, жабрланувчи вояга етмаган ёки ҳомиладор аёл бўлса, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. 235-моддадаги қийноқлардан фарқли ўлароқ, жиноятчи давлат субъекти бўлиши шарт эмас.

6 <https://www.lex.uz/docs/4494712#4496299>

7 https://www.norma.uz/proekty_npa/kakaya_yuridicheskaya_pomoshch_budet_predostavlyatsya_besplatno

8 ЖПК 24-модда <https://lex.uz/docs/111463#186108>

Давлат гендер асосидаги зўравонлик қурбонларини товон тўлаш даъволари билан боғлиқ ҳолларда юридик тўловлардан озод қиласи, бироқ кимнингдир гендер зўравонлик қурбони бўлганлигини ҳал қилиш бўйича дастлабки суд мажлиси жабрланувчининг ҳисобидан амалга оширилади.

Қонунчиликдаги ушбу бўшлиқлар ва гендер асосидаги зўравонлик қурбонларига бепул юридик ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ ҳуқуқий қоидаларнинг йўқлиги ва етарлича бепул юридик хизматларнинг йўқлиги оиласидаги зўравонлик ва гендер асосидаги зўравонлик қурбонлари кўпинча юридик ёрдам ололмаслигини англаатади.

Давлат органлари ва судлардаги патриархал муносабат ва ҳато тушунчалар

“Оиласидаги зўравонлик ҳолатларининг аксариятида аёллар милицияга мурожсаат қилишмайди. Улар буни фақат дўстлари ёки қариндошлари ёрдамида амалга оширишлари мумкин. 2021-йилда вилоятимиздаги 283 нафар аёлнинг атиги уч фоизи ички ишлар органларига мурожсаат қилган”.

ННТ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб тушган барча мурожаатларни қўриб чиқиш ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, шу жумладан ҳуқуқбузарлар билан мулоқот қилиш йўли билан чоралар қўриш топширилган. Аёлга нисбатан зўравонлик факти тасдиқланса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими аёлларга 30 кун муддатга ҳимоя ордери чиқаришга ва тажовузкорга тартибни бузиш оқибатларини тушунтиришга ваколатли. Агар керак бўлса, ҳимоя ордери бир ойга узайтирилиши мумкин.

Бироқ, аёллар ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларидан олинган ҳақорат ва камситишлар ҳақидаги хабарлар милиция ходимлари, инспекторлар, прокурорлар ва судяларнинг аёллар ва қизларга нисбатан нотўри қарашларини кўрсатади ва бу қарашлар кўпинча Ўзбекистонда ҳуқуқий меъёрлардан устун турди ва амалда давлат оиласидаги зўравонлик қурбонларини ҳимоя қила ололмаслигига олиб келади.⁹ Хотин-қизлар гурухи вакилларининг гапларига кўра, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари баъзан аёлларни обрўсига путур етишидан огоҳлантириб, уларни айблов қўйишдан қайтаришга ҳаракат қиласи.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва адвокатларнинг маълум қилишича, ҳатто оиласидаги зўравонлик иши судгача етиб келган тақдирда ҳам жабрланувчи адолат йўлида қўшимча тўсиқларга дуч келади, жумладан, аёлнинг ўтмишдаги жинсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлардан жабрланувчининг даъволарига шубҳа уйғотиш учун судда фойдаланиш мумкин; судялар баъзидан зўравонлик қурбонлари хавфсизлигидан кўра оила иттифоқини биринчи ўринга қўйишади, хавф остида бўлган аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш ўрнига оилани сақлаб қолиш чораларини кўрадилар. Бундан ташқари, маълумотларга кўра, оиласидаги зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан амнистиялар қўлланилиб, оиласидаги зўравонликни тугатиш ҳаракатларига путур етказилади. Жабрланувчиларга уларнинг маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқлари тушунтирилмайди.

9 Оиласидаги зўравонлик иши бўйича суд апелляцияси пайтида судя жабрланувчига бундай ишларни «омма олдида эмас, балки уйда, ёпиқ эшиклар ортида кўриш кераклигини» айтди.

Аёл судялар ва прокурорларнинг етарлича сонининг йўқлиги оғирлаштирувчи омил ҳисобланади, яъни судларда кўпинча «еркаклар ҳамжиҳатлиги» мухити мавжуд бўлиб, натижада, жабрланувчи ўзини ёлғиз ҳис қиласи ва жиддий қабул қилинмайди.

2015-йилда CEDAW Ўзбекистонга мансабдор шахсларни “аёлларга нисбатан зўравонликни жиноий жавобгарликка тортувчи қонунчилик қоидаларини қатъий қўллаш бўйича” ўқитишга устувор аҳамият беришни тавсия қилди. Ўзбекистонлик аёллар фаоллари, анъанавий етакчилар, маҳалла қўмиталари вакиллари ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани, бунда хотин-қизларни камситишга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, шу жумладан, эрта турмуш қуриш, аёлларнинг никоҳ ва ажралиш бўйича қарорларини ўzlари қабул қилиш хуқуқини бериш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган тарғибот ишлари ҳақида ҳисобот бермоқда. Бироқ, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, жумладан, милиция ходимлари, прокурорлар ва судялар учун оиласдаги зўравонлик билан боғлиқ мураккаб масалалардан хабардор бўлишучун қўшимча тренинглар зарур. Адвокатлар, психологиялар ва ижтимоий ишчилар учун оиласдаги зўравонлик бўйича тренинглар ҳам талаб қилинади.

Қўйида судялар, милиционерлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг нотўғри қарашлари ва патриархал муносабатлари оиласдаги зўравонлик қурбонларининг ҳимоя ва адолатни топиш ҳаракатларида қандай зарар етказиши мумкинлигини қўрсатадиган иккита мисол келтирилган.

Оиласдаги зўравонлик содир этган шахс жазосиз қолмоқда, жабрланувчига эса жиноий жавобгарликка тортилиш таҳдид қилмоқда

2021-йил феврал ойида тиббиёт ходими Нигина¹⁰, 2021-йил феврал ойида тиббиёт ходими Нигина Тошкентда уни ўлдириш билан қўрқитган эрини ошхона пичноғи билан пичноқлагани оқибатида оғир тан жароҳати етказганлик (Жиноят кодексининг 104-моддаси) учун судланган эди. Нигинанинг эри назорат қилувчи хатти-ҳаракатлар билан кўп йиллар давомида уни жисмоний ва руҳий зўравонликка дучор қиласади. Эр хотин тушликда Нигинанинг иш жойи ёнида учрашишган, бироқ ҳамкасби унга қўнғироқ қилганида, эри жаҳли чиқиб, кетидан ишга бориб, уни ҳақорат қилган. Вазият ёмон тарафга ўзгаришидан қўрқган Нигина иш жойига югуриб бориб, эрини қўрқувда ушлаб туриш мақсадида овқатланиш бурчагида турган пичноқни олган. Эри унинг қўлидан пичноқни тортиб олмоқчи бўлган, бироқ бу билан пичноқ унинг қорин соҳасига тегиб, енгил жароҳат етказган. Гарчи жароҳат энди унинг соғлиғи учун салбий оқибатларга олиб келмасада, эри икки кун давомида касалхонада ётди. Нигина ўша куниёқ қўлга олиниб, милиция бўлимига олиб кетилган ва у ерда икки кун ушлаб турилибди, уйида икки ойлик, эмизиклик чақалоги борлигига қарамай. У қариндошларига қаердалигини маълум қила олмаган. Милиция терговчиси процессуал қоидаларни бузган ҳолда унинг аёл милиция ходимининг иштироки ҳақидаги илтимосини рад этган ва Нигинанинг таъкидлашича, у унга шахсий ҳаёти ҳақида интим саволлар берган, қўл телефонидаги алоқа ва хабарларни текширган ва у аллақачон тўртта хотини борлигини ва бешинчи хотини бўлишга қарши эмаслигини айтган.

10 Ислим ҳавфсизлик мақсадида ўзгарилилган.

Яшнообод туман ИИБ томонидан Нигинаға нисбатан жиноят иши қўзғатилган. У милиция терговчиси томонидан жинсий зўравонлик ва унинг процессуал ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан Бош прокуратурага ариза билан мурожаат қилган. Кейинчалик милиция терговчиси ишдан бўшатилган. 2021-йил апрел ойида Нигина Жиноят ишлари бўйича Яшнообод туман суди томонидан айбдор деб топилиб, бир йил шартли озодликдан маҳрум қилинган. Унинг адвокатининг жиноят таркиби йўқлиги ҳақидаги важлари эътиборга олинмади.

2021-йил май ойида Тошкент шаҳар апелляция суди ҳукмни ўзгаришсиз қолдирган. Нигина судга келганида, уч судя очиқчасига унга эътибор бермай, ўзаро гаплашиб, кулишар эди ва сўнг сўзни эрига беришди. Улардан бири эрига “муносабатларни омма олдида эмас, уйда, ёпиқ эшиклар ортида ҳал қилишни” маслаҳат берди.

2021-йил август ойида Нигина турмуш ўртоғига уни ташлаб кетмоқчи эканлигини айтганида, у “қамоққа тушасан” деб қўрқитиб, кейинчалик худдики Нигина фирибгарлик йўли билан ундан пул олиб, қайтариб бермагани учун милицияга хабар берди. 2021-йил сентябрида Нигина яна ҳибсга олинди ва жиноий иш очилди.

Унинг эрининг адвокати ўша Яшнообод тумани ИИБнинг собиқ терговчиси бўлиб, Нигинанинг жинсий зўравонлик ҳақидаги биринчи айлови билан ишдан бўшатилган ва ишдан бўшатилгандан кейин касбини ўзгартирган шахс. Ҳозирда суд жараёни давом этмоқда.

Давлат реабилитация маркази томонидан жинсий тажовузни яшириш

Уч яшар қизи катта қизининг уйидан баданида тишлаш излари билан қайтган Сафаргул ¹¹, тез ёрдам чақирган. Сафаргул иккала қизини (каттаси 18 ёшли қизи турмушга чиққан) сўроққа тутгандан сўнг, куёви тўнғич қизини мунтазам равища зўрлашини билди. Хотинининг синглиси меҳмонга келганида қизалоқни қоронғи хонага қамаб, бўғиб, тишлаб “жазолаган”. Сафаргул Шайхонтур тумани ИИБ инспекторига мурожаат қилган, у шикоятни қайтариб олишини айтган. Сафаргулраджавобини бериб, жиноий ишочишиналаб қилди. Шундан сўнг, Шайхонтур тумани ИИБ томонидан таклиф этилган психолог қиз билан гаплашиб, ҳуқуқбузар уни қайта-қайта ўз машинасида рулига ўтказиб айлантириб, ечинтиргани, тегиниб ва жинсий аъзоларини кўрсатгани ҳақида маълумот олган. Бироқ, милиция файлида қизнинг кўрсатмалари топилмаган, психолог иштирокида ўтказилган сўроқ пайтида ёзув юритишга масъул бўлган ходим кейинроқ онанинг куёвига туҳмат қилаётганида айиبلاغан.

Сафаргуликки ой давомида бир неча бор психо-тиббий текширув ўтказилишини сўраган, терговга қизларининг кўрсатмалари билан фото ва видео далилларни тақдим этган.

11 Исми ҳавфсизлик мақсадида ўзгартирилган.

Милиция терговчиси мазкур ҳолат юзасидан эксперт хulosасини беришни сўраб Зўравонлик қурбони бўлган Хотин қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказига мурожаат қилган. Марказ директори стажёр-психологни милиция терговчиси билан учрашиш учун юборган. 2021 йил октябр ойи бошида бу психолог айбланувчи жиноятчи ҳамроҳлигига қиз билан учрашувга келган. Психолог-стажёрнинг ёш бола билан суҳбати чоғида жинсий зўравонлик ёки психологик зўравонлик аломатлари йўқлиги ҳақидаги хulosasi асосида иш ёпилган. Бу хulosasi ҳайратланарли чунки онаси ва милиция инспектори учрашувда қатнашган, бу учрашувда қизнинг шимини ечиб қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақида батафсил ва аниқ таърифлар ёзиб олинган.

2021-йил 19-ноябр куни Сафаргул Болалар Омбудсмани, Бosh прокуратура ва Гендер масалалари комиссиясига мурожаат қилди. Уч кундан сўнг Бosh прокуратура унга Тошкент прокуратураси қўшимча тергов ўтказиш учун ишни Шайхонтур тумани прокуратурасига қайтаргани ҳақида маълум қилди. Сафаргул шикояти ўша мутасаддиларга қайтарилганидан хавотирда. Психолог стажёр Ўзбекистонни тарк этгани, иш бўйича масъул терговчи эса ишдан кетгани хабар қилинади.

Ҳимоя ордерлари ҳар доим ҳам қурбонлар манфаатини кўзлаб ижро этилмайди

“Ҳимоя ордери кейинги зўравонликнинг олдини олмайди; турмуш ўртоқлар бир уйда яшаши ноўрин. Ҳимоя ордерини назоратини ким амалга оширади? Зўравонлик одатда уйда, гувоҳларсиз содир бўлади, далил бўлмаса, жабрланувчини ҳимоя қилиш чоралари кўрилмайди”. Хотин-қизлар ҳуқуқлари фаоли

Ҳимоя ордери милиция томонидан жабрланувчиларни таъқиб ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш учун чиқарилади. Милиция “профилактика инспекторлари”¹² жабрланувчининг илтимосига кўра ёки учинчи шахс томонидан зўравонлик содир этилгани (жумладан, ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги хабарлар) тўғрисидаги хабарлардан сўнг ҳимоя ордерларини чиқаради. Ҳимоя ордери тажовузкорга жабрланувчи билан 30 кун давомида мулоқот қилиш ёки унга яқинлашишни, ҳар қандай турдаги қуролни олиб юришни тақиқлайди. Ҳимоя ордерларини бузиш кўпинча Маъмурий Кодексга мувофиқ жарима ёки 15 кунлик қамоқ билан жазоланади.

Ички ишлар вазирлиги эълон қилган маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январидан ноябригача милиция 24 265та ҳолатда хотинларни эрларидан ҳимоя қилиш ҳимоя ордерларини; 1 472 та ҳолатда аёлларни қайноналаридан ҳимоя қилиш; 1 066 та ҳолатда қайноналарни келинларидан ва 9 191 ҳолатда бошқа томондан ҳимоя қилиш ҳимоя ордерларини чиқарган. 588 та ҳолатда ҳимоя ордерлари янгиланган, 913 та ҳолатда тақорорий ҳимоя ордерлари берилган.¹³ Таққослаш учун, 2020-йилда ИИВ 1 4774 нафар аёлга ҳимоя ордери берилгани, шундан 125 нафари вояга етмаганларга тегишли эканлигини маълум қилган.¹⁴

12 Ички ишлар вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари ҳузурида

13 <https://telegra.ph/ANALIZ-DEYATELNOSTI-MVD-RESPUBLIKI-UZBEKISTAN-PROTIV-NASILIYA-V-OTNOSHENII-ZHENSHCHIN-ZA-11-MESYACEV-2021-G-12-17>

14 <https://www.gazeta.uz/ru/2021/01/26/women-protect/>

Аёллар хуқуқлари фаоллари томонидан ҳужжатлаштирилган ҳимоя ордерлари билан боғлиқ муаммолар қаторига ордер чиқарилгандан кейин ҳам жабрланувчининг фаровонлиги устидан доимий мониторинг олиб борилмаётгани киради. Бу муаммо чекка қишлоқларда ҳам кучаймоқда. Ҳуқуқий ва молиявий заифликлари ва бошқа борадиган жойи йўқлиги сабабли, жабрланувчилар кўпинча ҳимоя ордерига эга бўлишига қарамай, ўзларининг тажовузкорлари билан қолишга мажбур бўлишади.

Жумладан, Фарфона водийсида яшовчи аёл зўравон эри ҳақида бир неча бор ички ишлар органларига мурожаат қилган, бироқ бу мурожаатлар ҳеч қандай натижа бермаган. Эри уни яна калтаклаб, болалари билан кўчага ҳайдаганидагина ҳимоя ордерини олишга муваффақ бўлди.

Ярашув ва жазосизлик

Юқорида таъкидланганидек, оиласидаги зўравонлик қурбонларининг камчилигигина судда адолатга эришади ва аёллар хуқуқлари ҳимоячиларининг таъкидлашича, аёллар судга мурожаат қилган бир нечта ҳолларда ҳам, оиласидаги зўравонлик айборларини муваффақиятли жавобгарликка тортиш камдан-кам учрайди. Кўпинча ишлар ёпилади ва жабрланувчилар ярашув тартиб-қоидаларига рози бўлишади.

Ўзбекистонда жиноят-процессуал қонунчилигига жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс ярашса, жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш назарда тутилган.¹⁵ Оила кодекси оила аъзолари ўртасидаги низоларни ҳал этиш тартибларини белгилаб беради ва оиласидаги жисмоний ва руҳий зўравонлик тушунчасини “оилавий низо” сифатида янада мустаҳкамлайди. Ярашув тартиби хуқуқбузар ўз айбига икror бўлганда ва етказилган заарни қоплаганда бошланиши мумкин. Амалда бу механизм хуқуқбузарларнинг жазосиз қолишига олиб келади.¹⁶ Тергов жараённада оиласидаги зўравонлик қурбони кўпинча хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, кенг жамоатчилик ва унинг яқинлари томонидан камситиш ва тушунмовчиликка дучор бўлади, шунинг учун жабрланувчилар кўпинча ўз шикоятларини қайтариб оладилар ва ярашишга рози бўлишади.

Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг маълум қилишича, маҳалла қўмиталари эр-хотинлар ўртасидаги низоларни, жумладан, оиласидаги зўравонлик ҳолатларини ҳал қилишда фаол рол ўйнайди. Ушбу қўмиталар кўпинча аёлларни зўравон билан келишишга ундейди.

15 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 661-моддаси

16 Ярашув қўлланиладиган моддаларга 105-модданинг 1-қисми (қасдан баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказиш), 106-модда (Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107 ва 108-моддалари (қасдан баданга оғир шикаст етказиш) киради. зарар етказиш , 109-модда (қасдан баданга енгил шикаст етказиш), 110-модда 1-қисм (қийноққа солиши), 111-модда (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-модда 1 ва 2-қисмлари (таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш), модда 115 (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 116-модда 1 ва 2-қисм (касбий бурчни лозим даражада бажармаслик), 117-модда 1-қисм (бировни хавф остида қолдириш), 121-модда 1-қисм (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш) , 122-модда (Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-модда (Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-модданинг 1-қисми (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 136-модда (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 138-модда 1-қисм (зўрлик ишлатиб файриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш), 139-модда 1 ва 2-қисмлари (туҳмат), 140-модда 1 ва 2 (ҳақорат), 141¹-модда 1-қисм (шахсий дахлсизликни бузиш), 141²-модда 1-қисм (шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш), 143-модда (шахсий ёзишмалар сирини сақланиш тартибини бузиш), 148-модда (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш) киради.

ИИВнинг тарғибот бошқармаси бошлиғи Нилуфар Ғиесованинг маълум қилишича, 2020-йилда маҳалла қўмиталари билан ўтказилган мулоқотдан сўнг 8 минг 166 нафар оиласда ҳимоя ордери берилган турмуш ўртоқлар ярашишга қарор қилишган.

Ажралишлар сонини камайтиришга қаратилган сиёсат

Хотин-қизлар ҳуқуқлари фаолларига кўра, сўнгги йилларда ажралишлар сонини камайтиришга қаратилган ҳукumat сиёсати жорий этилган, шу жумладан, янги турмуш қурғанлар учун никоҳ курслари ва оиласвий низолар юзага келганда ярашувга уринишлар. Маҳалла яраштириш комиссияларига шуларни олиб бориш ва ажралишларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш топширилган.¹⁷

Бироқ, ажралишни камайтиришга қаратилган ушбу сиёсат оиласдаги зўравонлик ҳолатларида аёлларга зарар етказаётганидан хавотирлар мавжуд. Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоячиларига кўра маҳалла яраштириш комиссиясида ажрашиш узоқ ва шармандали жараён бўлиши, оиласа зўравонликка учраган аёлларга фарзандлари учун чидаш кераклиги, ажрашиш кекса ота-оналар учун уят экани, ажралиш узоқ давом этиши ва шармандалик бўлиши мумкинлигини ва ҳоказоларни айтишади.

Қоидага кўра, ажралиш пайтида судлар оиласи сақлаб қолиш имкониятини кўриб чиқаётган маҳалла ажрашиш комиссиясидан маълумотномани талаб қилади. Ушбу комиссия оиласи сақлаб қолишнинг иложи йўқ деган холосага келганидан кейингина, судя ажрашиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қоида қонуний асосга эга эмас, яъни Оила кодексида бундай талаб йўқ, бироқ судяларга маҳалланинг яраштириш комиссиясининг холосасисиз ажрашиш тўғрисида қарор қабул қилишни тақиқловчи ички тартиб борлиги айтилмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг хабар беришича, улар кўриб чиқкан ишларнинг 80 фоиздан ортиғида аёллар ажрала олмаган, ажралиш жараёни кўп йиллар давом этади ва судга бир неча марта ариза беришни талаб қилади.

Жумладан, Фарғона водийси вилоятидан бўлган Зулфияга¹⁸ турмуш ўртоғининг мунтазам зўравонликлари ва бунинг учун аввал жиноий жавобгарликка тортилганига қарамай, маҳалла қўмитаси томонидан ажрашиш учун рухсат берилмаган.

Наргизнинг¹⁹ уч нафар фарзанди бор, турмуш ўртоғи бир неча йилдан буён улар билан яшамайди. У ажрашмоқчи эди ва 2017 йил ўрталарида эр-хотин судга мурожаат қилишди. Ариза қабул қилинди, лекин маҳалланинг розилиги керак бўлди. Наргиз никоҳни сақлаб қолиш мумкин эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш учун маҳалла қўмитасига кўп маротаба мурожаат қилган. Маҳалла қўмитаси мутахассиси унга ёрдам бермади, суд мажлиси куни ҳам белгиланмаган. Наргиз уч йилдан ортиқ вақт давомида ёрдам сўраб юрди ва охир-оқибат ННТ маркази маҳалладан ушбу маълумотномани олиш учун адвокат ажратди.

17 Вазирлар Маҳкамасининг 07.10.2013 йилдаги 274-сон қарорига З-илова.

18 Исли ҳавфсизлик мақсадида ўзгартирилган.

19 Исли ҳавфсизлик мақсадида ўзгартирилган.

Кўпинча, турмуш ўртоқлардан бири ажралишдан бош тортган ҳолларда, судлар ажралишга рухсат беришни рад этади. Иккала томон ҳам ажралишга рози бўлганида, судлар ярашув муддатини белгилайди, бу одатда олти ой. Ушбу муддат тугагунга қадар турмуш ўртоқлар алоҳида яшаб кўрганликларини тасдиқловчи гувоҳнома ололмайдилар. Ажрашиш учун ариза берган томон 60 АҚШ доллари эквивалентидаги давлат божини тўлаши керак. Фаолларнинг айтишича, кўплаб аёллар маҳалла ярашириш комиссияларидан никоҳни сақлаб қолиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги гувоҳнома олишда муаммоларга дуч келишмоқда.

Суд-тиббий хulosасини олиш билан боғлиқ қийинчиликлар

Ўзбекистонда оилавий зўравонлик қурбони бўлган аёллар учун, айниқса, иқтисодий ёки руҳий зўравонлик ҳолатларида суд томонидан тан олинган зўравонлик тўғрисидаги тиббий хulosаларни олиш жуда қийин. Ўзбекистонда филиалларига эга Хадичи Сулаймонова номидаги Республика суд-тиббиёт экспертизаси маркази экспертизалари суд томонидан қабул қилинадиган ягона муассаса ҳисобланади. Бироқ Марказ экспертизаларни фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг талабига биноан ўтказади. Далил тақдим қилиш юки қўпинча оиласдаги зўравонлик қурбонига тушади, қайсики ўз зўравонини шахсий таъқиб қилиши керак, бу эса аёлнинг милицияни суд-тиббиёт экспертизаси тайинлаш учун ишонтириши кераклигини англатади. Аёл экспертнинг экспертизасини расмий равишда талаб қилиш мумкин эмас.

Мувофиқлаштирилган ҳимоя ва маслаҳат механизмининг йўқлиги

“Вилоятимиздаги реабилитация марказлари ҳақида 89 фоиздан ортиқ хотин-қизларнинг хабари йўқ. Кўп ҳолларда маҳалла қўмиталари хотин-қизларни уларга нисбатан ёмон муносабатда бўлганлар билан ярашишларига мажбур қиласди”.
Ўзбекистонлик аёллар фаоли

Ҳукумат оиласдаги зўравонлик қурбонларини бошпана, ишонч телефонлари ва ҳимоя ордерлари билан таъминлаш ҳамда айрим ҳолларда бепул юридик ёрдам кўрсатиш йўли билан ҳимоя қилишни яхшилаш чораларини кўрди, буларнинг барчаси 2019-йилги Хотин қизларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун билан белгиланган. Бироқ, амалда, бу элементлар тўлиқ ишламайди ва умумий, мувофиқлаштирилган ва фойдаланиш мумкин бўлган ҳимоя стратегияси мавжуд эмас.

Муаммолардан бири шундаки, турли ҳуқуқий инструментлар бир-биридан мустақил равишда қўлланилади, бу эса оиласдаги зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилишни қийинлаштиради. Масалан, жиноят ишини қўзфатиш жабрланувчини компенсация ва реабилитация харажатларини тўлаш шаклида ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий чоралари билан бирга олиб борилмайди. Бундан ташқари, психологиялар, ижтимоий ходимлар ва тиббиёт ходимлари томонидан қўллаб-қувватлаш каби юридик бўлмаган ҳимоя чоралари кенг қўлланилмайди. Мувофиқлаштирилган кўп тармоқли ёндашув ва самарали мурожаат қилиш (йўналтириш) тизимининг йўқлиги оиласдаги зўравонлик муаммосига давлат томонидан самарали чоралар кўришга жиддий тўскинлик қилмоқда.

Шошилинч тиббий ёрдамни адекват кўрсатилмаслиги

2019-йилги Хотин-қизларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 18-моддасида оиласи зўравонлик қурбонлари учун ишонч телефонлари ташкил этилиши кўзда тутилган бўлса-да, амалда маблағ етарли эмас. Аёллар ҳукуқлари ҳимоячиларининг фикрича, аёллар ҳукуқлари учун масъул бўлган ҳукумат амалдорлари кўпинча халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ишонч телефонлари барқарор ҳимоя механизми учун етарли эмаслигига қўшиладилар. Оиласи зўравонлик қурбонлари кўпинча анонимлик ва давлат хизматларига ишонч йўқлиги сабабли ННТ ишонч телефонларидан фойдаланишни афзал кўрадилар.

Етарли миқдордаги шинам бошпаналарнинг йўқлиги

Президент Мирзиёев 2021-йил 7-март куни Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлиланган тадбирда “Бундан буён Ўзбекистонда бирорта аёл давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигини” таъкидлаган эди. Унинг сўзларига кўра, 2021-йилда кам таъминланган аёллар ва ёлғиз оналар тарбиялаган қизларни уй-жой билан таъминлаш учун 210 миллиард сўм, ижтимоий уй-жой билан таъминлаш учун яна 211 миллиард сўм ажратилади.

Хотин-қизлар фаолларининг маълум қилишича, 2021-йил апрел ойи ҳолатига Зўравонлиқдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ва ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Республика маркази (Республика реабилитация ва ўз жонига қасд қилиш профилактика маркази) томонидан 2021-йилнинг апрел ойи ҳолатига кўра, оиласи зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатувчи 197 бошпана фаолият кўрсатган. Бироқ кадрлар етишмаслиги ва давлат томонидан молиялаштирилмаганлиги сабабли улар самарали фаолият юрита олмаганлар.

2021-йил 19-майда Президентнинг “Зўрлаш қурбони бўлган аёлларни реабилитация қилиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Республика реабилитация ва ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази тугатилди ва унинг ўрнига Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш Вазирлиги хузурида Республика Хотин-қизлар реабилитацияси ва мослашуви маркази ташкил этилди.²⁰ Фармонда Ўзбекистонда 29 та бошпана ташкил этиш кераклиги айтилган; бири республика даражасида; 14 туман ва 14 туманлараро марказлар.

Хотин-қизлар фаолларининг фикрига кўра, режалаштирилган 29 та бошпана барча ёрдамга муҳтожларни жойлаштириш учун етарли бўлмайди, бироқ ҳатто ушу 29 та бошпана ҳам маблағ билан етарлича таъминланмаган ва малакали кадрлар етишмайди.

Хотин-қизларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда оиласи зўравонлик қурбонларини боқиш ва реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатлар тажовузкор томонидан қопланиши белгилаб кўйилган бўлса-да, амалда хотин-қизлар фаоллари бундай ҳолатдан хабардор эмаслар.

Ҳукумат томонидан бошқариладиган бошпаналардан ташқари иккита ННТ бошпаналари ҳам борки, улар ҳукумат томонидан молиялаштирилмайди.

20 <https://lex.uz/pdfs/5426650>

Яхши тайёргарлик ўтган ижтимоий ишчилар ва психологларнинг етишмаслиги

Оиладаги зўравонлик қурбонларини қўллаб-қувватлаш ва зўравонлик қилувчилар билан ишлаш учун ўқитилган ижтимоий ишчилар ва психологлар етарли эмас, яъни жабрланувчиларнинг тақдиди кўпинча бошпанадан чиқиб кетганидан кейин ва ҳимоя ордерлари муддати тугагандан кейин номаълум бўлиб қолмоқда. Давлат маблағларининг етарли эмаслиги жабрланганларни оиласларига қайтганларидан кейинги ахволларини кузатиб бориш бўйича ижтимоий ходимларни тайёрлашга тўсқинлик қилади

Ўзбекистон ҳукуматига тавсиялар

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ:

- Миилий қонунчиликка оиладаги зўравонликнинг аниқ таърифини киритиш, унда жабрланувчи ва жиноятчи ўртасидаги боғлиқлик муносабатлари, шунингдек, зўравонликнинг тизимли хусусияти ҳисобга олиниши ва содир этилган жиноятга мос келадиган жазо назарда тутилиши керак.
- Аёлларга, вояга етмаганларга ёки ногиронларга нисбатан майший шароитда содир этилган жиноятларни оғирлаштирувчи ҳолатлар қаторига киритиш орқали жиноят қурбонининг жинси ва ёши ҳисобга олинишини таъминлаш.
- Жиноят кодексига ўзгартириш киритиш ва оиладаги зўравонликнинг барча шакларини, жумладан, психологияк, иқтисодий ва жинсий зўравонлик учун жиноий жавобгарликка тортувчи моддани киритиш ҳамда уларда оиладаги зўравонликнинг давом этувчи, назорат қилувчи ва мажбурлаш хусусиятига алоҳида эътибор қаратилишини таъминлаш.
- Никоҳда зўрлаш учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни жорий этиш ва рўйхатдан ўтмаган никоҳда зўрлаш учун муносиб жазоланишини таъминлаш.
- Жиноят-процессуал кодексига оиладаги зўравонлик ҳолатлари барча ҳолларда хусусий айлов йўли билан эмас, давлат айлови тартибида тергов қилиниши ва оиладаги зўравонлик қурбони жиноят ишини қўзғатиш учун жавобгар эмаслигини белгиловчи ўзгартариш киритилсин.
- Оиладаги зўравонлик қурбонларининг барчасига бепул юридик ёрдам олиш имкониятини таъминлаш.
- Оиладаги зўравонлик қурбонлари ва/ёки гувоҳларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли қонун ҳужжатларига аниқ ҳаволаларни киритиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг батафсил ва самарали механизмини таъминлаш ва молиялаштириш.
- Жиноят кодексига ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларига аёлларга нисбатан жинсий шилқимликни (домогательство) жазолаш учун ўзгартаришлар киритиш.

ОДИЛ СУДЛОВ ЙҮЛИДАГИ БОШҚА ТҮСИҚЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ:

- Оиладаги зўравонлик юзасидан жинс ва ёш бўйича ажратилган, жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар, терговлар, айбловлар, жиноий жавобгарликка тортиш, судланганлик, ярашув ва кейинчалик амнистия қилинган айбдорлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат ягона тўлиқ статистик маълумотларни тўплаш ва нашр этиш.
- Аёллар ва эркакларнинг роли ва масъулиятига доир камситувчи стереотиплар ва патриархал муносабатларга барҳам бериш бўйича комплекс стратегияни қабул қилиш ва гендер тенглигини тушунишни кучайтириш учун инновацион медиа-мақсадли чора-тадбирлардан фойдаланиш.
- Фуқаролик жамияти иштироқида ҳар бир давлат органи олдига аниқ мақсадлар қўйилган оиладаги зўравонликнинг олдини олиш режасини ишлаб чиқиш; таъсир ва прогрессини ўлчаш учун муддатлар ва аниқ кўрсаткичлар билан аниқ йўналтириш механизмини яратиш; оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича дастурлар ва ахборот хизматларини, айниқса, қишлоқ жойларидағи бошпаналарни амалга оширишни марказий бюджетдан молиялаштириш ва бундай хизматлар кўрсатувчи ННТларни узоқ муддатли молиялаштиришни таъминлаш.
- Давлатнинг оиладаги зўравонликка мутлақо тоқат қилмаслиги тўғрисида аниқ хабарини юқори даражадаги оммавий баёнотлар орқали етказиш.
- Оиладаги зўравонлик қурбонлари учун судда тан олинадиган, зўравонлик тўғрисидаги тиббий хulosаларни олишнинг арzon ва осон йўлларини тақдим этиш.
- Бутун мамлакат бўйлаб етарли миқдордаги реабилитация марказлари ва/ёки бошпаналарни ташкил этиш ва давлат марказлари, шунингдек, ННТлар томонидан бошқариладиган марказларни ишончли ва барқарор молиялаштиришни таъминлаш.
- Бошпаналарнинг етарли миқдордаги малакали ходимлар билан ишлашини таъминлаш учун тренинглар ўтказиш.
- Кенг жамоатчилик ва мансабдор шахсларни оиладаги зўравонлик, мажбурий никоҳ ва полигамия билан боғлиқ муаммолардан хабардор қилиш мақсадида таълим муассасалари, жумладан, мактаблар ва таълим муассасалари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва молиялаштириш.